

# Agroiqtisodiyot

илмий – амалий агроиқтисодий журнал  
(Махсус сон)

## Мундарижа

4. USENOV AZAMAT, SUYUNOV SARDOR  
Occimum basilicum (rayhon) o'simligidan ekstrakt olish uchun konvektiv quritishni tahlil qilish
7. М.Б. ХАЛИКОВА, Х. САЙДАЛИЕВ,  
Э.У. МАТЯҚУБОВА, Н.Қ. РАЖАБОВ  
Ингичка толали коллекция намуналари ва f<sub>1</sub> дурагайларининг тола узунлиги кўрсаткичлари
10. Г.Р. МУРТАЗАЕВА  
Ишлаб чиқаришдаги шовқинларнинг инсон саломатлигига таъсири
12. Н.Қ. РАЖАБОВ, Т.А. ҲАЙДАРОВ  
Типик бўз тупроқлар шароитида “Андижон-37” ғўза навининг ҳосилдорлигига ўғит ва суғориш меъёрларининг таъсири
15. АТАЖАНОВ А.У  
Экономное использование водных ресурсов на эксплуатируемом участке орошаемой по бороздам
19. Т.А. ҲАЙДАРОВ, А.А. ХОЖИЕВ, Н.Қ. РАЖАБОВ  
Қишлоқ ва сув хўжалигида жараҳатланиш ҳамда касбий касалланиш сабаблари ва уни камайтириш йўллари
23. ХОЖИЕВА Ш.А, МУРТАЗАЕВА Г.Р  
Сув омборларидан фойдаланишда ва хавфсизлигини таъминлашда сел оқимлари трансформациясининг аҳамияти
27. ЧОРИЕВ А.Х, ХОДЖИБЕКОВ С.Н, МУХИДДИНОВ Т.И.  
Ўза ўсимликларида бўйи ва бош паядаги бўғимлар сонининг юқори f<sub>6-7</sub> авлодларидаги қиёсий таҳлили
30. ЧОРИЕВ А.Х, ХОДЖИБЕКОВ С.Н.  
Ўза ўсимликларида умумий кўсақлар ва пишган кўсақлар сонларининг юқори f<sub>6-7</sub> авлодларидаги қиёсий таҳлилини ўрганиш
32. Ж.Б. САПАЕВ, И.Б. САПАЕВ, А.М. АРИФЖАНОВ,  
Л.С. СУВОНОВА, Б.М. КАМАНОВ, А.Я. БАХРОМОВ,  
М.И. ДЖАЛИЛОВ  
Тупроқ ва сувнинг шўрланиш даражасини оптималлаштирилган аниқловчи кондуктометрнинг иқтисодий самарадорлиги
35. J.B. SARAЕV, I.B. SARAЕV, A.A. KARIMOV, L.S. SUVONOVA, B.M. KAMANOV, G.SH. XOLIQULOVA, A.Y. EGAMBERDIEVA  
Xonadagi namlik va haroratni aniqlovchi optimallashtirilgan termogrometr
40. Ж.Б. САПАЕВ, И.Б. САПАЕВ, Т. СУЛТАНОВ,  
Л.С. СУВОНОВА, Б.М. КАМАНОВ, Б.Ж. МУСУРМОНОВ,  
М.И. ДЖАЛИЛОВ  
Сувнинг лойқалик даражасини аниқловчи қурилманинг иқтисодий самарадорлиги
43. Л.С. СУВОНОВА, М.А. МАМАТКОСИМОВ, Б.М. КАМАНОВ  
1700°С ҳароратда ишловчи электр иситувчиларни ишлаб чиқариш
49. А.А. КАРИМОВ, Б.Ғ. ҚОДИРОВ, М.А. МАМАТКОСИМОВ  
Заргарлик тошларини тайёрлашда шпинель ва серпентин минералларини танлашни асослаш
56. Қ.Ў. КОМИЛОВ, А.Д. КУРБАНОВА, С.Л. СУВОНОВА,  
А.А. КАРИМОВ, М. ДЖАЛИЛОВ  
Кимёвий мелиорантларни суғориш сувини тежашдаги роли
58. Қ.У. КОМИЛОВ, А.Д. КУРБАНОВА, С.Л. СУЮНОВНА,  
М. ДЖАЛИЛОВ.  
Фосфогипсдан ернинг структурасини яхшиловчи сифатида фойдаланиш
60. И.А. БЕГМАТОВ, Ш.А. АЙНАКУЛОВ, ЕРГАШОВА Д.Т.,  
Моделирование режима капельного орошения сельскохозяйственных культур
65. БОТАБАЕВА А.Е, МУТАЛИЕВА А.Ш, АЛИЕВА А.К,  
ЖАХОНОВА Н.Ш.  
Национальное семейное воспитание, как современный тренд развития молодежи
69. Ш.Ч. БОТИРОВ  
Суғориш сувини тежаш йўли
72. У.З. МАХМУДОВА  
Иқлим ўзгариши шароитида Қўйи Туямўйин гидроузели ҳудудидаги экологик муаммолар
76. Ж.А. ҚОСИМОВ  
Чизмачилик фанини ўқитишда муаммоли вазият яратиш орқали дарс самарадорлигини ошириш
80. Ж.А. ҚОСИМОВ  
Организация моделирования виртуальных образцов разработок и технологий в 3d формате
85. КОДИРОВ О, ЖАХОНОВ А, МАТКАРИМОВ О,  
МУТАЛИБОВ М  
Техническое состояния сооружений канала
93. DILAROM F. KUCHKAROVA, BAFO U. KHAITOV,  
DILNOZA A. ACHILOVA,  
Geometric modeling of the surface of the avancamera of pumping stations according to the present conditions

97. **M.RADJAPBAEV, Z.ABDDURAKHMONOV, S.MELIKUZIYEV, J.ABDULLO.**  
To the question of the topographic survey of reservoirs
100. **ASLANOV I.M. JUMANOVA.N. KHASANOV S.S.**  
Gis based mapping of farmers for sustainable land management
103. **РАЖАПБОВЕВ М.Х, ИСЛОМОВ Ў.П, ХИКМАТУЛЛАЕВ С.И.**  
Ер кадастрини юритишда аэро-космосуратлардан фойдаланиш ва уларнинг афзалликлари
105. **МУХТОРОВ Ў.Б**  
Иқлим харитасини тузишда замонавий гис технологиялардан фойдаланиш самарадорлиги ва статистик маълумотларнинг аҳамияти
112. **А.Н.ЖУМАНОВ, А.Ф.АШУРОВ**  
Мероприятия по улучшению мелиоративного состояния земель в узбекистане
115. **А.Н.ЖУМАНОВ**  
Сервитут асосида ердан фойдаланишни такомиллаштириш
119. **А.МУҚУМОВ, К.ХУЖАКЕЛДИЕВ**  
ЕРЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШДА ЕР ТУЗИШНИНГ РОЛИ
122. **А.Р. БАБАЖАНОВ, Р.Д. АБДИРАМАНОВ**  
Геоахборот тизимлари технологияларига асосланган лойиҳаларни назорат қилиш ва мониторингини юритиш
126. **БАБАЖАНОВ А.Р, САДУЛЛАЕВ С.Н**  
Холати бузилган экин ерларини қишлоқ хўжалигига қайтариш ва қайта тиклашнинг мухим ташкилий тадбири
130. **А.Р. БАБАЖАНОВ, З.Т. ТОЖИЕВ**  
Ер участкаларини хусусийлаштириш жараёнида уларни инвентаризациялаш тажрибаларидан фойдаланиш
135. **АБДУЛЛАЕВА Р.М., ЖУРАЕВ А.Ю., ХОЛИҚОВА Ё. А., ЖАХОНОВА Н.Ш.**  
Служебные обязанности практического психолога
139. **ИНАМОВ А.Н., АБДИСАМАТОВ О.С., ИСЛОМОВ Ў.П.**  
Суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларидан тупроқнинг агрокимёвий таҳлилини ўтказиш ва агрокимёвий картограммаларини ишлаб чиқиш методлари
145. **КАРИМБОВЕВ К.К., РАХИМОВА М.Х., ШАМСИЕВА Н.М., АБДУРАХМОНОВ З.З.**  
Применение четырехэтапных гис-технологий для прогнозирования последствий опасных геомеханических процессов на хвостохранилищах обогатительных фабрик
151. **КУБАЕВ Д.А.**  
Республика қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланиш масалалари
154. **МАЖИТОВ Б.Х.**  
Ўзбекистонда ер мониторингини юритишда замонавий технологияларни қўллаш
159. **А.Х. РАХМАТУЛЛАЕВ**  
Некоторые геометрические и топологические свойства геометрически плотных подпространств тестового пространства  $Z(X)$ , определенном в стратифицируемом пространстве  $X$ .
164. **S.MUSAYEV, I.MUSAEV**  
Feasibility of rain water harvesting in different climate zones
168. **НИКАДАМБАЕВА Ҳ.Б., РЎЗИҚУЛОВА О.Ш.**  
Регионал география фанидан талабаларнинг мустақил иш топшириқларини тайёрлашда “кузатиш, баҳслашиш, ишонтириш” стратегиясидан фойдаланиш методикаси
173. **АБДУРАХМОНОВ С.Н.**  
Демографик карталарни яратиш технологиясини ишлаб чиқиш
178. **АБДУРАХМОНОВ С.Н., АЛЛАНАЗАРОВ О.Р.**  
Электрон рақамли карталарини яратиш методикаси ва технологияси
182. **ҲАМИДОВ Ф.Р., АБДИСАМАТОВ О.С.**  
Земельный участок – как первичный источник земельного кадастра
185. **УСМАНОВ Ю.А.**  
Ердан фойдаланишни диверсификациялаш шароитида дегредация ҳолатидаги суғориладиган ерларни тиклаш ва фойдаланишга киритиш
190. **N.N.ABDUG‘ANIYEV, O.G.QILICHOV, A.Q.DAVIROV**  
Qattiq maishiy chiqindilarni qayta ishlash va energiya olish usullari tahlili: gazlashtirish/piroliz
193. **N.N.ABDUG‘ANIYEV, O.G.QILICHOV, A.Q.DAVIROV**  
Qattiq maishiy chiqindilardan issiqlik va elektr energiyasi olishning nazariy matematik hisobi (o‘rta chirchiq tumani misolida)
196. **БАРАТОВ Р.Ж., МУЗАФАРОВ Ш.М., ЭРКИНОВ Б.Н.**  
Электрофильтрнинг технологик разряд оралигини магнит кучайтиргич ёрдамида бошқаришнинг энерго-информацион модели
200. **ERKINOV B.N, BOTIROV A.N.**  
The efficiency improvement of squirell cage induction motor by variable frequency drive
203. **А.АНАРБАЕВ, У.ВОХИДОВ, Д.КОДИРОВ, Н.АБДУГАНИЕВ**  
Определение эффективности установки испарительного охлаждения воздуха в теплице по температурно-влажностному режиму
208. **Ш. МУЗАФАРОВ, А.БАБАЕВ, О.ҚИЛИЧОВ**  
Тўсиқли озонаторларини технологик ҳисоблаш
213. **БАРАТОВ.Р.**  
Энергия ва сув ресурсларини тежашда smart технологияси асосида ишлаб чиқилган датчикларнинг хусусиятлари
216. **БЕГМАТОВ М.Т, ПАРДАЕВ А.И, ВАЛИХОНОВА Ҳ.С**  
Электр занжирларида тоқларнинг носинусоидал холатидан фойдаланган ҳолда юқори кучланиш усқуналарининг ишонлилигини баҳолаш
221. **Х.МУРАТОВ, Д.ҚОДИРОВ**  
Қишлоқ ва сув хўжалиги истеъмолчилари энергия таъминотида қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиш
227. **Х.МУРАТОВ, Д.ҚОДИРОВ**  
Қишлоқ ва сув хўжалиги истеъмолчилари энергия таъминотида қайта тикланувчи энергиядан фойдаланишга тизимли ёндашув
235. **Давиров А.Қ., Қиличов О.Г., Абдуганиев Н.Н.**  
Критерии статической аperiodической устойчивости установившихся режимов энергосистем
238. **А.Қ.ДАВИРОВ, И.И.ИБРАГИМОВ**  
Условия оптимальности покрытия графиков нагрузок электропотребителей с учетом потерь в сетях
242. **Қиличов О.Г., Абдуганиев Н.Н., Давиров А.Қ.**  
Микротурбинали электростанциялар учун сувни тайёрлаш электротехнологик мосламаси
245. **Қиличов О.Г., Абдуганиев Н.Н., Давиров А.Қ.**  
Ростланувчи насос агрегати электр юритмасининг қурилмаларини танлаш
248. **Ишназаров О.Х., Ҳошимов У.Ҳ., Хушиев С.М.**  
Ҳаволи совитиш қурилмасини гуруҳларга ажратиш бошқариш ёрдамида энергия тежамкорликка эришиш

251. **МУЗАФАРОВ Ш.М., ЭРКИНОВ Б.Н., ПАРДАЕВ А.И.**  
Даврий импульс кучланишли машина генератори  
характеристикаларини экспериментал тадқиқоти
254. **Ш. МУЗАФАРОВ, А. БАБАЕВ, О. ҚИЛИЧОВ**  
Тўсиқли-юза разрядда озон ишлаб чиқарилиши ва  
концентрациясини аниқлаш
261. **А.М. МУСТАФОКУЛОВ**  
Шамол электр қурилмаларининг энергетик  
кўрсаткичларига таъсир этувчи омиллар
265. **А. МУХАММАДИЕВ, А. САНБЕТОВА**  
“Уруғ, тупроқ ва ўсимликка электротехнологик  
таъсир этиш ҳисобига экологик соф, касаллик ва  
зараркуналдаларга чидамли картошка  
етиштириш”
268. **Н.Т. ТАШПУЛАТОВ**  
Применение электрического тока при лечении,  
ускорение роста и развития растений
273. **ДЕНМУХАММАДИЕВ А.М., ДЖАЛИЛОВ А.У.,  
НАЗАРОВ О.А.**  
Расчет экономической эффективности  
предпосевной электроискровой обработки семян и  
учет изменений форм собственности хозяйств в  
Узбекистане
277. **А.Д. РАХМАТОВ**  
Электр таъминоти тизимида трансформаторлар  
ишончилигини ошириш
281. **А. МУХАММАДИЕВ, А. САНБЕТОВА,  
С.А. МУХАММАДИЕВА**  
О перспективах защиты сложного биологического  
объекта «семя, почва и растение» от болезней с  
использованием электрического воздействия
285. **ДАВИРОВ А.Қ., ҚИЛИЧОВ О.Г. АБДУҒАНИЕВ Н.Н.**  
Алгоритм оптимизации электрических сетей  
методами дискретного программирования
287. **С.М. ХУШИЕВ, У.Х. ХОШИМОВ**  
Асинхрон электр моторларининг ишдан чиқиш  
ҳолатларини камайтириш
291. **ИШНАЗАРОВ О.Х., ҲОШИМОВ У.Х., ХУШИЕВ С.М.**  
Электр узатмали компрессор станцияларини газ  
трубинали турлари билан техник имкониятларини  
баҳолаш
294. **ИМОМОВ Ш.Ж., УСМОНОВ К.Э., АЗИМОВ З.Х.,  
МАРУПОВ И.**  
Парранда органик чиқиндиларини қайта ишлаш  
қурилмасининг техник иқтисодий кўрсаткичлари
298. **САЛИМОВ О.У., ЭРҒАШОВ З. Ж., ҚАЮМОВ Т. Х.,  
ИМОМОВ Ш.Ж.,**  
Органик чиқиндиларини анаэроб ишлов беришдаги  
эктиёткорлик кўрсаткичлари
302. **КОМИЛОВ А.И., ЭРМАТОВА Д.И., МАРУПОВ И.**  
Тажриба – синов трактори учун конструктив  
асосланган демпфер қурилмаси устида олиб  
борилган дала тажрибаси
307. **НУРИТОВ И., МУСТАФОЕВА Д., ЖАХОНОВА Н.,  
НУРИТОВА И.**  
Қишлоқ хўжалик таълим йўналишида  
амалиётларини ташкил этиш
309. **О.САЛИМОВ, З. АЗИМОВ, Х. ҚУРБОНОВА,  
Ш.ИМОМОВ**  
Органик чиқиндиларини қайта ишлов беришнинг  
иқтисодий кўрсаткичлари
313. **ТАГАЕВ В.И., ХАЖИЕВ М.Х., ХАКИМОВ Б.Б.,  
Ш.Ж.ИМОМОВ, МАРУПОВ И.**  
Тикланадиган энергия манбаларидан ички ёнув  
двигателларида фойдаланиш
317. **Б.Б.ХАКИМОВ, Б.Г.ГАНИЕВ, В.И. ТАГАЕВ**  
Тикланадиган энергия манбаларидан ёнилги сифатида  
фойдаланишнинг таҳлили
319. **Э.ШОДИЕВ, З.МАМАДАЛИЕВА, Н.ИМОМОВА,  
Ж. МАЖИТОВ, Б. ГАНИЕВ**  
Биореакторлар дозаторининг бижғиш жаёнига  
таъсири хақида
321. **З.АЗИМОВ**  
Агросаноат мажмуаси тармоғидаги муаммолар  
Бухоро вилояти мисолида
323. **Ф.Б. КИЛИЧЕВА**  
Метод проектов при обучении русскому языку
327. **ИСЛОМОВ И., ҚУРБОНОВА Х., ХУДОЙБЕРДИЕВ А.,  
МАЖИТОВ Ж.**  
Экономическая эффективность сочетания режимов  
орошения люцерны в условиях бухарской области
330. **У.Р.САНГИРОВА**  
Особенности использования рыночного механизма  
освоения инноваций в зарубежных странах
333. **А.МАКСУМХАНОВА, Н.Б.КАСИМОВА**  
Қишлоқ жойларида меҳнат бозорини ривожланишда  
кичик бизнеснинг ўрни
337. **Ш.МУРАТОВ**  
Обзор современного состояния производства  
плодоовощной продукции и необходимость развития  
сельскохозяйственных кооперативов в республике  
Узбекистан
340. **О.Б.САТТОРОВ**  
Интенсив боғдорчиликда маҳсулотни истемолчиларга  
етказиб бериш тизимини ривожлантиришнинг  
иқтисодий асослари
342. **ШАНАСИРОВА Н.А., НОРОВ А.Р.**  
Соғлиқни сақлаш муассасаларида ички аудит ва  
молиявий назоратни ташкил этишнинг назарий-  
ҳуқуқий асослари
347. **Х.У. ДУСТМУХАММАД**  
Бюджетное финансирование системы народного  
образования
354. **С.Р.МАНСУРОВ, Б.М. КАМАНОВ**  
Сурхондарё вилояти сув омборларидан қишлоқ  
хўжалигида фойдаланиши
359. **И.А. БЕГМАТОВ, Ш.А. АЙНАКУЛОВ, К.Э.КУБЯШЕВ**  
Моделирование режима капельного орошения  
сельскохозяйственных культур
364. **КАРИМОВА Х.Х., ЗИЯЕВА Ш.К., КУБЯШЕВ К.**  
Некоторые решения проблем эффективного развития  
фермерских хозяйств
367. **ШАКИРОВ Б.М., АЙНАКУЛОВ Ш.А., ЗИЯЕВА Ш.**  
Струнаправляющая стенка с нанососмывающим  
устройством в водоприёмном сооружении насосной  
станции
370. **АБДУЛЛАЕВ З.С., ЗИЯЕВА Ш.К., КУБЯШЕВ К.Э.**  
Потребности к глобальным электронным  
образованиям
375. **АБДУЛЛАЕВ З.С., ШАДМАНОВА Г., КАРИМОВА Х.Х.**  
Перспективы развития цифровой экономики в  
узбекистане

# ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИДА ЖАРОҲАТЛАНИШ ҲАМДА КАСБИЙ КАСАЛЛАНИШ САБАБЛАРИ ВА УНИ КАМАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Т.А.Ҳайдаров, А.А.Хожиев, Н.Қ.Ражабов

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти доцентлари

## АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада қишлоқ ва сув хўжалиги ташкилотларида содир бўлаётган бахтсиз ҳодисалар ва касбий касалланишлар келиб чиқиш сабаблари келтирилган ва таҳлил қилинган. Таҳлил натижаларига кўра бахтсиз ҳодиса ва касбий касалланишларни олдини олиш бўйича хулосалар қилинган ва таклифлар берилган.

## АННОТАЦИЯ

В статье представлены и проанализированы причины несчастных случаев и профессиональных заболеваний в сельскохозяйственных и водохозяйственных организациях. По результатам анализа сделаны выводы и рекомендации по профилактике несчастных случаев и профессиональных заболеваний.

## ABSTRACT

The article presents and analyzes the causes of accidents and occupational diseases in agricultural and water management organizations. Based on the results of the analysis, conclusions and recommendations were made for the prevention of accidents and occupational diseases.

**Калит сўзлар:** меҳнат муҳофазаси, меҳнат шароити, бахтсиз ҳодиса, касбий касалланиш, жароҳатланиш, технологик жараён, хавфсизлик техникаси.

**Ключевые слова:** охрана труда, условия труда, несчастные случаи, профессиональные заболевания, травмы, технологический процесс, техника безопасности.

**Key words:** labor protection, working conditions, accidents, occupational diseases, injuries, technological process, safety engineering.

Хозирги замон фан ва техника тараққиёти ишлаб чиқаришни ҳамма тармоқларида жуда катта ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Бу ўзгаришлар бир томондан жамиятимиз аъзоларини турмуш даражасини, меҳнат шароитини яхшилашга сабаб бўлса иккинчи томондан турли хил янгидан - янги инсон ҳаёти фаолиятга хавф туғдирувчи, соғлиғига зарар етказувчи, салбий оқибатларга олиб келувчи воқеа - ҳодисаларга сабаб бўлмоқда. Ана шундай салбий оқибатларни келтириб чиқарувчи омилларни камайтириш ва уларга қарши чора - тадбирлар ишлаб чиқиш умумдават миқёсидаги асосий масалалардан биридир. Ушбу масалаларни ҳал қилишда қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида ҳам ишчи-хизматчиларни ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш масалалари муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро меҳнат муҳофазаси ташкилоти маълумоти бўйича дунёда ҳар йили ишлаб чиқаришда - 2,2 млн. ўлим, 160 млн. касб касаликлик ҳолатлари, 270 млн. оқибати оғир бахтсиз ҳодисалар рўйхатга олинади. Бахтсиз ҳодисалар ва касб касаликлар натижасида етказилган зарар учун бир йилда тўланган пул миқдори - 1,25 трлн. АҚШ долларини, яъни дунё ялпи ички маҳсулотини 4% ташкил этади[1].

Республикамиз касба уюшмалари федерациясининг маълумотларига кўра меҳнат муҳофазаси бўйича ўтказилган йиғилишида келтирилган рақамларга кўра 2018 йилда ишлаб чиқаришдаги оқибати оғир ва ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодисалар сони 252 тани ташкил этган, 76 та ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисада 89 нафар киши ҳалок бўлган ва 163та ходим оғир жароҳатланган. Бундан ташқари 6127 нафар киши 18 турдаги касб касалликларига чалинган. Аммо бу рақамлар кўпгина ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган бахтсиз ҳодисалар ва касалликлар ўз ичига олмаган, бунинг сабаблари иқтисодиётнинг реал секторидагина содир бўлган бахтсиз ҳодисаларгина ҳисобга олинади, баъзи касалликлар ёш ўтгандан сўнг, ишчи нафақага чиққандан кейин (юррак, қон томир ва рак касалликлари) ривожланади ва булар ҳисобга киритилмаган[2].

Олинган маълумотларга қараганда 2019 йил 3-чорак давомида корхона, ташкилот ва муассасаларида ишлаб чиқариш билан боғлиқ жами 33 та бахтсиз ҳодисалар содир бўлган. Жумладан,

-Ўзпахтасаноат акциядорлик жамияти корхоналарида - 18 та, яъни 54%;

-Ўздонмахсулот акциядорлик компанияси корхоналарида - та, яъни 12%.

-Сув хўжалиги вазирлиги корхоналарида -3 та, яъни 9%


-Қишлоқ хўжалиги вазирлиги корхоналарида -1 та, яъни 3%

-Ўзпахтаёғ акциядорлик жамияти корхоналарида -2 та, яъни 6%;

-Ўзбекистон фермерлари, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашида -2 та, яъни 6%;

-Ўзагросервис акциядорлик жамияти корхоналарида -2 та, яъни 6%;

Қишлоқ ва сув хўжалиги тизимида содир бўлган бахтсиз ҳодисалар асосий сабаблари қуйидагилар (1-расм):



1-расм. Қишлоқ ва сув хўжалиги техникаларидан фойдаланиш ва техник сервис кўрсатиш ташкилотларида содир бўлган бахтсиз ҳодисалар асосий сабаблари

Натижада, 1 нафари енгил, 24 нафари оғир тан жароҳати олган бўлиб, 6 нафар ходим ҳалок бўлган. 2 та гуруҳий бахтсиз ҳодиса содир бўлган, унда 2 нафар ходим енгил тан жароҳати олган ва 2 нафар ходим вафот етган.

Ходимлар томонидан хавфсизлик техникаси қоидалари талабларига риоя қилмаганлиги - 28%;

- ишлаб чиқариш жараёнида хавфсизлик техникаси қоидалари бузилиши - 19%;

- ходимларнинг эҳтиёткорсизлиги оқибатида - 9%;

- меҳнат интизоми ва ички меҳнат тартиби қоидаларига риоя қилмаганлиги - 6%;


- технологик жараённинг бузилиши - 4%;

- электр хавфсизлиги қоидалари бузилиши - 2%;

- иш берувчилар томонидан ходимларни лавозим мажбуриятларида кўрсатилмаган ишларни бажариш учун жалб қилинганлиги - 2%;

- йўл ҳаракати ҳавфсизлиги қоидалари бузилиши - 1%.

Шунингдек, бахтсиз ҳодисаларни содир бўлиши ишчи-хизматчиларнинг меҳнат стажига ҳам бевосита боғлиқдир.



2-расм. Бахтсиз ҳодисаларни меҳнат стажига боғлиқлиги

Юқоридаги 2-расмдан кўриниб турибдики, бахт ҳодисаларнинг аксарияти меҳнат стажлари 3 йилгача бўлган ишчи-хизматчилар билан содир этилади, яъни бу ҳолат учун бахтсиз ҳодисаларнинг 66% тўғри келади. Бу шунга асосланадики, ишчи қанча тажрибали ва малакали бўлса, улар билан бахтсиз ҳодиса ва жароҳатланишлар шунчалик кам содир бўлади.

Бахтсиз ҳодиса ва касбий касалланишлар даражасини камайтиришда ташкилий масалаларнинг яхши йўлга қўйилмаганлигидадир. Булар қуйидагилардан иборат [3]:

- корхона ва ташкилотларида меҳнат ва гигиена соҳасидаги аниқ сиёсатнинг йўқлиги;


- меҳнат муҳофазаси маданияти пастлиги;

- меҳнаткашларнинг саломатлиги ҳимояси билан шуғулланувчи тиббий хизматнинг йўқлиги ёки етарли даражада ривожланмаганлиги;

- биринчи галдаги вазибаларни аниқлаш учун тааллуқли бўлган статистик маълумотлар, илмий текширишлар йўқлиги.

механизациялашган дала ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган бахтсиз ҳодисалар сабаблари ўрганилиб, таҳлил қилинганда, жароҳатланишларнинг асосий келиб чиқиш сабаблари қуйидагиларга боғлиқлиги аниқланди:


- ишловчиларнинг мутахассислиги, иш турига, лавозимига тўғри келмаслиги, савиясининг пастлиги - 8%
- иш шароитининг қониқарсизлиги - 32%
- машина механизмларнинг носозлиги - 27%
- хавфсизлик талаби ва қоидаларига риоя қилмаслик - 33%



3-расм. Механизациялашган дала ишларини бажаришда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган бахтсиз ҳодисалар сабаблари

Шунингдек, механизациялашган дала ишларини бажаришда механизаторларнинг ёши бўйича бахтсиз ҳодисалар сабаблари ўрганилиб, таҳлил қилинганда қуйидагилар аниқланди:

- 18-25 ёшгача - 23%;
- 25-35 ёшгача - 33%;
- 35 ёшдан юқори - 44%;



4-расм. Механизациялашган дала ишларини бажаришда бахтсиз ҳодисаларнинг содир бўлишини ишловчиларнинг ёши бўйича таҳлили

-Механизациялашган дала ишларини бажаришда бахтсиз ҳодисаларни келиб чиқишининг асосий сабаблари[4]:

- Меҳнатни ташкил қилишда хавфсизлик стандартлари ва қоидаларини бузиш.
- Ишни технологик харитасиз олиб бориш.
- Технологик жараённи бузиш.
- Номукаммал технологик жараён.
- Носоз техникалардан фойдаланиш.
- Ишчиларни хавфсизлик тадбирлари билан таништирмаслик.
- Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитиш ишларининг ташкил этилмаганлиги ёки камлиги.
- Хавфсиз ишлаш усулларига ўргатилмасдан ходимларни ишга қабул қилиш.
- Машина, ускуна асбоблар билан ишлашга рухсати бўлмаган шахсларнинг иш олиб бориши.
- Ёнғин (портлаш) хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик.
- Шахсий ҳимоя воситаларини ишлатмаслик ва бошқа сабаблар.

Ўтказилган тадқиқотлар кўрсатдики, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ишлар яхши қўйилмаган, технологик жараёнларини такомиллашмаган, технологик жараёнларда хавфсизлик талабларини бузилишлар аниқланди, машина ва жиҳозлардаги носозликлар, ишчи ва ходимлар томонидан техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслик, меҳнат интизоми ва уни ташкил этишдаги камчиликлар бахтсиз ҳодисаларни содир бўлганлиги аниқланди. келган.

Корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қилинаётган ишлар даражаси юқори даражада эмас. Ишлаб чиқаришда банд бўлганларнинг ҳаммаси ҳам хавфсизлик бўйича йўриқномадан ўтмайдилар ёки механизациялашган ишларни бажаришдан олдин шошилиб ўтилади, баъзида улар фақат расмий равишда ўтказилади.



Ҳар доим ҳам барча ишчиларга махсус кийим ва шахсий ҳимоя воситалари берилмайди, агар улар берилган тақдирда ҳам, у ўлчамлари ишчилар ўлчамига мос келмайди.

Хавф-хатарлар иш турига ва механизмларига боғлиқ бўлган сабабли ҳар бир иш тури учун йўриқномалар ишлаб чиқиш зарур. Шу билан биргаликда корхонада аварияси фаолият юритадиган ишчи ва ходимларни рағбатлантириш лозим. Шунингдек, меҳнат муҳофазаси масалалари билан шуғулланишни аниқ бир мутахассисга бириктириш лозим. Корхона фаолиятида хавфсизлик техникаси қоида ва талабларига риоя қилган ва уни тарғиб этган ишчи-ходимларни рағбатлантириш ҳам мақсадга мувофиқ ҳисланади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, қишлоқ ва сув хўжалигидаги бахтсиз ҳодиса ва шикастланишларнинг 75-80% инсон омили ёки меҳнат хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик ёинки унга етарли даражада риоя қилмаслик натижасида келиб чиқади.

Бахт ҳодисаларни доимий ҳисобга олиш, унинг сабабларини аниқлаш, таҳлил этиш ва олдини олиш бўйича ишларни тўғри йўлга қўйиш ташкилотларнинг бу фаолият йўналишга бўлган муносабатларни ижобий томонга ўзгартиради ва аксарият ҳолларда хавфнинг олдини олишга ёрдам беради. Бунинг натижасида ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касбий касалликларнинг содир бўлишини камайтиради.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. В. Гальянов, Н. Студенникова. Виды и причины несчастных случаев с тяжелыми последствиями в сельском хозяйстве и основные направления их предупреждения. - Москва, - Национальные интересы: приоритеты и безопасность, 2015, №27 с.47-60.

2. В. Гальянов, Н. Студенникова. Травматизм с тяжелыми последствиями при эксплуатации сельскохозяйственной техники. - Москва, - Вестник сельского развития и социальной политики, 2017, №4, с.51-53.

3. Э. Ғойипов. Меҳнат муҳофазаси, Тошкент, «Меҳнат», 2000 й. 256 б.

4. Т. Ҳайдаров. Эргономик биомеханика. Тошкент, ТИМИ босмахонаси. 2012 й. 117 б.

Т.А Ҳайдаров. Электрон почта манзили: gun57@mail.ru.  
Телефон рақами: +998 98 126-60-36

# Agroiqtisodiyot

Журнал Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатининг 2017 йил 28 декабрдаги 247/6-сонли қарори билан иқтисодиёт фанлари бўйича илмий журналлар рўйхатига киритилган.

Уч ойда бир марта чиқади. Баҳоси келишилган нархда.  
“AGROIQTISODIYOT” журналидан кўчириб босиш фақат таҳририятнинг  
ёзма розилиги билан амалга оширилади.

Таҳририят фикри муаллифларнинг фикр ва қарашларига мос келмаслиги мумкин.  
Мақолалардаги факт ва рақамларнинг ҳаққонийлигига муаллиф шахсан масъул.  
Реклама мазмунига реклама берувчи жавобгар.

**Таҳририят:**

**Муҳаррир – Ш.Салом**

**Мусахҳих – Янгибоев Д.**

**Дизайнер-саҳифаловчи – Файзуллаев О.И.**

**Тел.: (+0372) 2605230.**

**Факс: (+0372) 2605230.**

**E-mail: qxiiti-agroiqtisodiyot@qsxv.uz**

Бичими 60x84 1/8 (4 б.т.). Адади 300. Чоп этишга 10.12.2020  
йилда рухсат этилди. 2/04-сонли буюртма.

“BOOK MEDIA PLUS” хусусий корхонасида тайёрланди.  
Манзил: Тошкент ш., Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6 уй.

Манзил: 100140, Тошкент вилояти, Қибрай тумани,  
Университет кўчаси, 2 уй. Қишлоқ хўжалиги  
иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти

Ушбу журналда эълон қилинган мақолалар билан Қишлоқ  
хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институтининг веб  
сайти [www.qxiiti@qsxv.uz](http://www.qxiiti@qsxv.uz) танишишингиз мумкин.